O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY [illegible]
INV.№

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2007** йил, **20** апрель, жума № **16** (2195).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **20** апреля, **2007** год, № **16** (2195).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена договорная

...Бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлида узоқни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ислом КАРИМОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН-МИСР: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17-19 апрель кунлари расмий ташриф билан Миср Араб Республикасида бўлди**

## ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Миср кишини бирданига ҳайратга солади. Миср маданияти, давлатчилиги юзага келган даврларни аниқлаш борасидаги илмий тадқиқотларнинг хулосалари, беозор айтганда, жуда нисбий бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов Қоҳира сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида буни алоҳида таъкидлади: Миср – маданиятнинг, давлатчиликнинг энг қадимий маркази.

Мисрни Нил неъмати деб атайдилар. Дунёдаги энг узун дарё, ушбу ўлкадаги ҳаёт манбаи бўлган Нилда сув миқёсини ўлчайдиган иншоотни улуғ аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний бунёд этган.

Ўзбекистон билан Миср халқларининг бундай тарихий яқинлиги ва ҳамкорлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қадимги Шарқнинг фанлар академияси бўлган "Байтул ҳикма"да ижод этган ватандошларимиз – буюк алломаларнинг аксарияти Мисрга бориб, маҳаллий халқнинг илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Бошқача айтганда, Ўзбекистон билан Мисрнинг бугунги дўстлигига, халқларимизнинг бугунги ҳамкорлигига аждодларимиз асос солганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи мана шу азалий алоқаларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича асосда равнақ топтиришга бағишланди.

Мисрда Ўзбекистонга эҳтиром нечоғли катта, мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш нақадар кучли эканлигига бир мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллигини араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Миср тан олди. У биринчилар қаторида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатиб, юртимизда элчихона очди. Энг муҳими – янги, мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг илк хорижий сафарларидан бири ҳам айнан Мисрга расмий ташрифи бўлди.

Ўзбекистон билан Мисрнинг тарихий, маданий, маърифий муштараклиги кўп. Ислом Каримов айтганидек, халқларимизнинг дунёқараши ҳам бир-бирига яқин. Айни пайтда геосиёсат ва геостратегия мамлакатларимиз ўртасида ўхшашлик яна ҳам кўп эканлигини кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз қадимда Буюк ипак йўлининг асосий тармоқлари бўлган. Жануби-шарқий Осиё, МДҲ, Европа мамлакатларини туташтирувчи транспорт коммуникациялари Ўзбекистондан ўтади. Марказий Осиёнинг табиий бойликлари, энергетик захиралари янги коммуникация тармоқларини барпо этиш, янги йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш учун омил бўлмоқда. Миср эса қуруқликда Африка билан Осиёни, сув йўллари орқали Осиё-Тинч океани минтақаси билан Европани боғлайди. Шу боис Ўзбекистон ва Миср минтақавий ҳамда халқаро сиёсатда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сирасига киради.

(Давоми 2-бетда).



Мировая корона бокса – в Узбекистане!

# БОКС БЎЙИЧА ЎТА ОҒИР ВАЗНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСЛАН ЧАГАЕВГА

Қадрли Руслан ўғлим!

Сени эришган улкан ғалабанг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Сенинг ҳалол ва муросасиз курашлар остида ўтган ғоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоатингни яна бир бор намоён этганинг ва шу тариқа ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришганинг барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мард ва баҳодир йигитни – Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихорини вояга етказган оила аъзоларинг ва яқинларингга, устоз ва мураббийларингга самимий миннатдорлик билдираман.

Сени яна бир бор қутлаб, янги-янги зафар ва омадлар тилаб қоламиз.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Р.Ш.Чагаевни "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга таранnum этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чагаев "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 17 апрель.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Бугун, ҳаётимдаги энг қувончли кунда, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун таниқли боксёр Николай Валуев билан беллашувда ғолиб чиққаним туфайли чексиз хурсандчилигимни Сизга изҳор этмоқчиман.

Бир неча соат олдин Штутгартдаги спорт мажмуида Ўзбекистон давлат мадҳияси тантанали равишда янгради.

Биз, спортчилар, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга Сиз нечоғли катта эътибор ва ёрдам бераётганингизни яхши биламиз. Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон вакиллари кўп карра Осиё, жаҳон, Олимпия ўйинлари чемпионлари бўлди. Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси билан учрашув чоғида билдирган эзгу тилак ва доно маслаҳатларингиз ҳамон ёдимда. Ана шу ғамхўрлик натижасида Ўзбекистон вакили профессионал спортда илк бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ривожланган давлатлари қаторига қўшилди.

Мен ўз ғалабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорти шаънини ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ. Ҳар бир ғалабамдан сўнг қадрдон юртдошларим, устозларим, маҳалламиз оқсоқоллари билан учрашиш учун жонажон Андижон сари ошиқаман.

Ҳурматли Ислом ота, Сизнинг ишончингизни оқлаш учун, Ўзбекистон байроғи турли мамлакатларнинг стадионларида тез-тез юқори кўтарилиши учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. Келгусида ўзимнинг тажриба ва маҳоратимни ёш боксчилар тайёрлаш ишига бағишлаш ниятидаман. Зеро, спорт ёш авлодга жонажон мамлакатимиз Мустақиллигини муносиб ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Фарзандлик ҳурмат-эҳтироми билан,

**Руслан ЧАГАЕВ.**

# БОГАТЫРЬ, ПРОСЛАВИВШИЙ РОДИНУ

**Узбекистан встретил Руслана Чагаева – чемпиона мира в супертяжелой весовой категории по версии WBA**

Узбекистан издавна славился как родина великих ученых, мыслителей, просветителей, одним словом, людей с высоким потенциалом. А сегодня благодаря независимости, миру и стабильности в стране подрастает молодое поколение, достойное славы предков, обладающее уникальными талантами, мастерством.

На днях один из таких сынов страны – Руслан Чагаев – вписал золотую страницу в летопись узбекского спорта и мирового бокса – он завоевал пояс чемпиона мира в профессиональном боксе по версии WBA.

Уже неделю его большая победа торжественно празднуется по всей стране. Радость, чувство гордости переживают и стар и млад в больших и малых городах, отдаленных кишлаках. Своей неповторимой победой Руслан еще раз прославил страну на весь мир, вызвал народную гордость, всколыхнул благородные чувства в душах друзей и близких, всех наших соотечественников.

...19 апреля 2007 года, 20.45.

В Ташкентском международном аэропорту состоялась торжественная церемония встречи выдающегося боксера. Звучат мелодии карнаев и сурнаев. Соотечественники с огромными букетами цветов, с глубоким волнением и безграничной радостью готовятся встретить чемпиона мира.

Президент Ислам Каримов в поздравлении Руслану Чагаеву подчеркнул: «Сегодня весь Узбекистан празднует твой спортивный подвиг. Мы гордимся тем, что воспитанник узбекского бокса одержал историческую победу, став чемпионом мира среди супертяжеловесов». В ходе захватывающего боя, который проходил в спортивном комплексе немецкого города Штутгарта, Руслан еще раз проявил волю и мужество.

В письме Президенту Исламу Каримову Руслан Чагаев с гордостью отметил: «Свою победу я посвящаю независимости Узбекистана. Где бы я ни был, в какой стране ни выступал, для меня нет ничего более святого, чем защищать спортивную честь Узбекистана».

Да, самоотверженный сын Родины, укрепивший ее авторитет и прославивший на весь мир, достоин большого уважения и похвал. Указом Президента от 17 апреля 2007 года Р. Чагаев, продемонстрировавший образец доблести и отваги и завоевавший звание чемпиона мира в супертяжелой весовой категории в профессиональном боксе, удостоен высокой награды Родины – ордена «Буюк хизматлари учун». Вне всякого сомнения, впечатляющая победа Руслана Чагаева будет служить воспитанию молодого поколения в духе любви и преданности Родине, дальнейшему развитию традиций узбекской школы бокса.

...Наконец настает долгожданная минута – Руслан Чагаев спускается по трапу самолета на родную землю, держа в одной руке Флаг Родины, а в другой – чемпионский пояс. Девушки в национальных нарядах преподносят ему букеты цветов. Радость светится в глазах Руслана, с победой вернувшегося домой, – в родной Узбекистан.

(Окончание на 2-й стр.).



**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

# МУТАНОСИБЛИК ВА МУВОЗАНАТ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

**Барқарорлаштириш сиёсати – энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир.**

**Ислом КАРИМОВ.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар йилдан-йилга чуқурлашиб, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўзбекистон ўзи танлаган иқтисодий тараққиёт йўлидан изчил бориб, 2006 йилни юксак кўрсаткичлар билан якунлади.

(Давоми 8-бетда).

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



# МАҲОРАТ ЮКСАЛАР – МАРДЛИК ЮКСАЛАР

Президентимиз Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини оширишда ҳар йили ўтказиладиган ва анъанага айланиб қолган "Энг илғор сержант", "Энг илғор гуруҳ командири", "Энг илғор взвод командири", "Энг илғор батальон командири" каби йўналишлар бўйича ўтказилаётган танловларнинг муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаганди.

(Давоми 8-бетда).

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**



# БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимизнинг, халқимизнинг танлаган ўзига хос ва ўзига мос йўлини кўролмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, буни муқаддас динимизга, виждон, эътиқод эркинлигимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, дин ниқобида турли иғволарни, ахборот хуружларини тарқатишга уринаётганлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Халқимизнинг нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ислом динини, у билан боғлиқ қадриятларни асраб-авайлашга, ҳимоялашга қўшаётган ўзига хос улкан ҳиссаси, қолаверса, бу йўлда амалга оширилиб келинаётган эзгу саъй-ҳаракатларимиз бундайин ғаламисларга амалий жавобимиздир.

(Давоми 8-бетда).



3 СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР ҲАР БИТТА ЎҒЛОН
НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ОЛДИНДА



4 ЮРТ ҲИМОЯСИ – УМУМХАЛҚ ИШИ
ХИЗМАТГА ОТЛАНАР ПОЙТАХТ АЛПЛАРИ



5 ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ
ФАРЗАНДЛАР-ЛА НУРАФШОН ҲАЁТ ЙЎЛИМИЗ



11 ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ
«КАМОЛОТ» СТИПЕНДИЯСИ СОВРИНДОРЛАРИ

## СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР ҲАР БИТТА ЎҒЛОН

**В частях и подразделениях Министерства обороны Республики Узбекистан завершается второй этап проверки за зимний период обучения. В ходе контрольных занятий военнослужащие по контракту и солдаты срочной службы демонстрируют высокие боевые и моральные качества, приобретенные в ходе боевой учебы, проходящей под девизом: «Сохранять бдительность, повышать боевую выучку и профессиональное мастерство, быть готовым в любых условиях обстановки надежно защищать Отечество, спокойствие и мирную жизнь народа Узбекистана». Первые итоги наглядно свидетельствуют – полученные знания и навыки станут надежным фундаментом для дальнейшего повышения боеготовности подразделений, мощи наших Вооруженных Сил.**

# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ОЛДИНДА

Маълумки, Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида қишки ўқув мавсум синов машғулотлари иккинчи босқичи давом этмоқда. Масъул офицер Олим Амиржонов бошчилигидаги комиссия аъзолари қисм шахсий таркибининг ўқув мавсуми мобайнида орттирган кўникмаларини имтиҳон қиляпти.

Синовлар давомида ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича офицер ҳамда шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг билимлари текширилди. Натижалар юрт посбонларининг дунёқараши кенг, тайёргарлиги юксак эканлигидан далолат берди. Офицерлар – Н.Маъруфов, У.Усмонов, Р.Алимов, Д.Порохня, Ж.Суяров, кичик сержантлар – Э.Соатов, А.Хушвақтов, Ш.Очилов ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар – Ж.Ҳақбердиев, Ф.Ҳазратқулов, Б.Абдиев ва Б.Усмоновлар сафдошларига ўрнак бўлиб, берилган тест саволларига энг кўп тўғри жавоб бердилар.

Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа кўриги давомида эса уларнинг сақланиш ҳолати ва бу борада қоидаларга амал қилиниши, ҳужжатлар ва қайдларнинг тегишли тарзда тўлдирилиши ва олиб борилиши, техник ва бошқа турдаги хизмат кўрсатилиши, сифати комиссия аъзолари томонидан текширилди. Офицер Умиджон Усмоновнинг таъкидлашича, жанговар техникага хизмат кўрсатилиши ва йўриқномалар асосида сақланишида кўплаб мутахассислар қатори шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар – Х.Абилов, С.Қўлдошев, Х.Аҳмедов, А.Мардиев, А.Омонов ва Ф.Раҳматуллаевлар илғорликни қўлга киритдилар.

Дала-ўқув машғулотларида нишонга ўқ отиш, жанговар техникани бошқариш тайёргарлиги бўйича пешқадамлар номи маълум бўлди. Нишонга ўқ отиш тайёргарлигида муддатли ҳарбий хизматчилар ҳам машғулотни аниқ, тез ва бехато бажариш борасида яхши натижаларни кўрсатиб, командирлари олқишига сазовор бўлдилар. Оддий аскарлар – О.Зиядуллаев, Р.Шукуров, А.Ибрагимовлар шулар жумласидан.

– Синов машғулотларида эришаётган муваффақиятларимдан командирим лейтенант Саидмурод Акбаров ҳам хурсанд бўлмоқда, – дейди оддий аскар Руслан Шукуров. – Шундай бўлиши табиий. Ахир бу – устоз офицерларим саъй-ҳаракати, жонкуярлиги маҳсулидир. Қолаверса, жиддий тайёргарлик кўришимнинг асосий боиси, кейинчалик ҳам хизматни шартнома асосида давом эттирмоқчиман.

Жанговар техникадан нишонга ўқ отиш бобида майор Х.Бегимқулов ва капитан А.Алимов бошчилигидаги экипаж аъзолари ҳар томонлама бехато ҳаракатланишди.

Биласизки, якка тартибдаги муваффақиятлардан келиб чиқиб, умумжамоа ғалабаси таъминланади. Умумжамоанинг ютуқ ва камчиликлари эълон қилингач, келгусида эътибор берилиши лозим жиҳатлар, бартараф қилиниши шарт масалалар ойдинлашади. Демак, натижалар таҳлили ҳали олдинда.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**







# ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ БИЛАН

Тажрибали офицер Ойбек Миржалолов командирлик қилаётган илғор алоқачилар қисмида ҳам синов машғулотлари юксак савияда олиб борилмоқда. Шахсий таркиб қишки ўқув мавсуми мобайнида эгаллаган назарий билим ва амалий кўникмаларини комиссия аъзоларига муносиб намойиш этмоқда. Барча имтиҳонларга пухта ҳозирлик кўрган ҳарбий хизматчилар дастлабки синовлардаёқ юқори натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Жумладан, капитанлар – Ш. Бахранов, А. Ким, И. Жалолов, катта лейтенант Б. Воҳидовлар саф кўриги ва саф тайёргарлиги бўйича яхши натижаларга эришган бўлса, уларнинг қўл остидаги алоқачи мутахассислар ҳам имтиҳонларни аъло баҳоларга топширишди. Кичик сержантлар – А. Ҳамдамов, Х. Жабборов, А. Юлчиевлар шулар жумласидандир.

Муддатли ҳарбий хизматдаги юрт посбонлари ҳам устоз командирларидан ўрганган тажрибаларини моҳирона намойиш этиб, умумжамоа ютуғига ҳисса қўшмоқдалар. Бу борада С. Одинаев, Б. Аҳмедов, А. Исмоилов каби оддий аскарлар сафдошларига ибрат бўлмоқдалар. Бу етакчи посбонлар айниқса ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, қисм қўмондонлиги олқишига сазовор бўлдилар. Улар касбий тайёргарлик бўйича ҳам аълочи эканликларини амалда исботлашга астойдил чоғланишган.

**Подполковник Б. ЖЎРАЕВ.**

# СПРАВИЛИСЬ С ЧЕСТЬЮ

**Командиру артиллерийской группы старшему лейтенанту Тимуру Джафарову сдача контрольной проверки за минувший учебный период останется памятной еще и потому, что ей предшествовал месячный полевой выход с боевой стрельбой. Полученные на этой стрельбе хорошие и отличные оценки стали для артиллеристов солидным заделом для успешного прохождения серьезного экзамена.**

Подразделению реактивной артиллерии офицера Турсунбая Джумаева была поставлена задача осуществить огневую поддержку занявшего рубеж обороны мотострелкового батальона. Скрытно выдвинувшись из полевого лагеря, огневые группы старших лейтенантов Тимура Джафарова и Икрама Киличева заняли заранее подготовленные огневые позиции.

И закипела боевая работа. В частности, норматив по занятию огневой позиции был выполнен артиллеристами с опережением обозначенных сроков. Строгие проверяющие офицеры подавали разные вводные команды, оценивали маскировку позиций от авиационной разведки условного противника. Со всеми испытаниями данное подразделение справилось с честью.

Вот и кульминация тактического учения – этап боевых стрельб – получилась впечатляющей. Благодаря высокому профессионализму командиров секций вычислителей младших сержантов Бахтиера Чориева и Юсуфа Эшнаева все поправки, передаваемые с командно-наблюдательного пункта батареи, вносились вовремя, расчеты выполнялись точно и с высоким качеством.

В соперничестве экипажей боевых машин по итогам стрельб наилучшего результата добились подчиненные младшего сержанта Санжара Кобилова, продемонстрировав четкую и слаженную работу во всех элементах учебного боя.

Несмотря на то что дальность до цели достигала нескольких километров, все предъявленные учебные цели – командный пункт условного противника, минометная батарея, группа «боевиков» – были уничтожены меткими залпами артиллеристов.

Получив столь серьезную «обкатку» в деле своих знаний и навыков, артиллеристы и на контрольно-проверочных занятиях не снизили планку требовательности к себе. Ими были показаны отличные результаты в ходе сдачи теоретических тестов по боевой, общественно-политической, специальной, технической подготовке, защите от оружия массового поражения, по физической подготовке.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**

# СЕРЖАНТЫ ВЕДУТ ЗА СОБОЙ

**В ходе контрольной проверки со всей очевидностью проявляются лидерские качества младших командиров – в большинстве случаев именно сержанты подают добрый пример личному составу, получая отличные оценки. А это вдохновляет на успех подчиненных.**

Уроженец Байсунского района Сурхандарьинской области младший сержант Сайриддин Одинаев именно из такой категории образцовых военных профессионалов. Заместитель командира группы на отлично сдал физическую, строевую подготовку, да и тесты по общественно-политической подготовке показали высокий уровень его интеллекта. Дружить со спортом Сайриддин начал еще до начала службы по контракту, успешно выступив на чемпионате Узбекистана по тайскому боксу. А в июне 2006 года отличные результаты в служебной деятельности младшего сержанта С.Одинаева были отмечены Памятным знаком министра обороны.

Вот и младший сержант Хайрулло Худайбердиев удостоился многих похвал проверяющих офицеров, оценивших его физическую подготовку, строевую выправку и стать, знания, умения и навыки по специальной подготовке. Пулеметчик показал отличные знания материальной части своего оружия, готов и на стрельбах на полигоне подтвердить успех меткими очередями.

Пример старших товарищей увлек за собой и рядового срочной службы Максуда Холмуминова, лишь минувшей осенью призванного в армию из Нурабадского района Самаркандской области. Выпускник экономического колледжа получил твердую пятерку по общественно-политической подготовке, пробежал быстрее товарищей на дистанции кросса и подтянулся больше всех, да и на строевом плацу смотрелся с блеском. В служебном рвении солдата есть превосходный стимул – он мечтает поступить в Самаркандское высшее военное автомобильное командно-инженерное училище. Проходящая проверка дает юноше возможность делом доказать серьезность намерения стать будущим офицером.

**Майор А. ЗАФАРОВ.**
**(Передано по телефону).**



Посбонларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаб, муайян касб соҳиблари бўлишмоқда, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий нуқтаи назари шаклланиб, Ватан ҳимояси учун доимо шай турадиган фидойилар бўлиб камол топишяпти. Буни синов машғулотларини аъло баҳоларга топшириб, яқинлари олдига ёруғ юз билан қайтишга ҳозирланаётган самарқандлик оддий аскар Дилшод Турдиалиев мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

– Ижтимоий-сиёсий, жанговар, жисмоний тайёргарликлардан синовларни муваффақият билан топширдим. Бу ҳаёт мактаби бизни ҳар томонлама тоблаётгани, чиниқтираётганидан. Хизматни ўташ давомида дунёқарашим шаклланди. Тажрибали офицерлардан бой тарихимиз, маънавиятимиз, миллий армиямиздаги ислоҳотлар борасида кўплаб сабоқлар олдим. Армиямизда жисмоний тарбия ва спортга бўлган юксак эътибор сабабли янада баркамол бўлдим. Айнан шунинг учун ҳам синовларни аъло баҳоларга топширдик. Олдинда бундан-да масъулиятли синов турибди. Яъни резервга бўшаганимдан кейин Ватаним учун, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун амалга ошириладиган ишларимни назарда тутяпман. Ватаним равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида ишончли таянч, суянч бўлишга ҳаракат қиламан, – дейди посбон.

**Александр МРУЧАК суратга олган.**

Бдительность – наше оружие

# ДЕЙСТВОВАЛИ ПО УСТАВУ

В праздничном поздравлении защитникам Родины Президент Республики Узбекистан, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами И.Каримов обратил особое внимание на вопросы бдительности: «Мы живем в непростое время. Неослабевающая напряженность в регионе Центральной Азии, продолжающиеся конфликты и противостояние во всем мире, возрастающие масштабы терроризма, экстремизма и наркоагрессии не могут не вызывать у нас серьезной озабоченности. Все это обязывает всех, кому небезразлична судьба страны и ее будущее, сохранять бдительность, укреплять боеготовность наших Вооруженных Сил, повышать надежность защиты и охраны Государственной границы, мобилизовывать для этого наши резервы и возможности».



Безусловно, данные указания главы государства были восприняты каждым военнослужащим как руководство к решительным действиям на вверенных участках службы. И это сразу становится заметно, когда знакомишься с военнослужащими, отличившимися при несении караульной службы.

Так, недавно благодаря бдительному несению службы младшим сержантом Валерием Волковым была успешно пресечена попытка скрытного проникновения злоумышленника на охраняемый объект.

Обнаружив в ходе визуального наблюдения незнакомца, опытный младший командир немедленно сообщил об этом дежурному по части. До прибытия тревожной группы караула принял меры к задержанию нарушителя.

За бдительное несение службы младший сержант Валерий Волков удостоен Памятного знака первого заместителя министра обороны – начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

В другом случае незваные гости решили вступить в «дружеский диалог» с несшим службу в ночное время суток на посту рядовым Азизбеком Турабаевым. Уж очень незнакомцам было интересно узнать обо всем, что скрыто от чужих взглядов.

Уставные действия часового на посту позволили тревожной группе задержать излишне любопытных молодых людей, нарушивших границу охраняемой территории. Теперь с ними разбираются компетентные органы.



За проявленную бдительность рядовому Азизбеку Турабаеву объявлена благодарность, а родителям военнослужащего отправлено благодарственное письмо от имени командования.

Это всего два эпизода из жизни одного гарнизона. Каждый из них – свидетельство внимательного и вдумчивого исполнения указаний Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами и правильного понимания личным составом подразделений задач, стоящих сегодня перед защитниками Родины.

**Капитан Хасан ФАРУХОВ.**
**Фото Александра МРУЧАКА.**

Технике – заботу и внимание

# ПОДГОТОВИЛИСЬ ОСНОВАТЕЛЬНО

**Успешно сдали зачеты на знание руководящих документов, а также по требованиям мер безопасности задолго до начала перевода техники на режим весенне-летней эксплуатации подчиненные старшего лейтенанта Бахрома Рузиева. Младшие сержанты Адхам Тошев, Рискул Собиров, Рахмон Уктамов и их сослуживцы показали хорошее знание материальной части и готовность к предстоящей работе на вверенной им боевой технике.**

– Нашему коллективу, – рассказывает водитель-инструктор младший сержант Юлдаш Эшонкулов, – этой весной предстоит выполнить немалый объем работы: проверить состояние всех систем двигателей, провести необходимые регулировки, осуществить смазочные работы в полном соответствии с картой смазки. Если возникнет необходимость, проведем разборку некоторых агрегатов и деталей, в результате чего можно будет особенно тщательно проверить и подтянуть крепление в тех местах, доступность к которым при обычном обслуживании затруднена. Словом, каждый специалист должен творчески подойти к выполнению сезонных работ, чтобы быть полностью уверенным в своей технике.

– В нашем подразделении немало военнослужащих-профессионалов, настоящих мастеров своего дела, – поделился своими впечатлениями после сдачи зачетов механик-водитель младший сержант Ильҳом Юнусов. – Все они очень серьезно подошли к подготовке к предстоящим работам, помогали менее опытным водителям и специалистам. Сегодня авторитет механика-водителя складывается годами упорного труда. Каждый из нас понимает, что от того, насколько качественно проведем мы все запланированные работы, будет зависеть боеготовность техники и успешное выполнение подразделением поставленных задач в летнем периоде обучения.

Представитель вышестоящего штаба остался доволен итогами принятых зачетов. Все подразделения готовы приступить к работе, как и специально созданные бригады из наиболее опытных специалистов для выполнения наиболее сложных и требующих высокой квалификации работ.

В результате большой подготовительной работы, проведенной личным составом подразделения и технических служб части, перевод техники на режим весенне-летней эксплуатации пройдет в строго отведенные сроки и с высоким качеством.

**Капитан Мирза ХАСАНОВ.**

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

# САБРУ ҚАНОАТ МЕВАСИ

**Оила қўрғонининг йиллар давомида мустаҳкамланиб бориши сир эмас. Келин-куёв тўю тантаналар билан бу остонага қадам қўяр экан, оппоқ орзуларининг рўёби тоғ қадар синовлар ортида эканлигини унутмасликлари лозим. Бу йўлда меҳру муҳаббат билан бир қаторда сабру қаноатнинг ўрни беқиёсдир. Лавҳамиз қаҳрамонлари бўлмиш Аъзамжон билан Ферузахон тақдир бирлаштирган ҳаёт йўли, муҳаббатдан бунёд этилган оила қўрғонини асраш учун сабр ила астойдил ҳаракат қилишган, десак арзийди.**



Сир эмаски, оила фарзандлар билан тўкин. Икки ёшни унаштиришдан бошлаб кексаларимиз «туб қўйиб палаг ёйсин», «ўзидан кўпайиб ували-жували бўлсин», дея эзгу дуоларга қўл очишади. Бу бежиз эмас. Чунки ўғил-қизлар ўз ўрнида оиланинг мустаҳкам таянчларидир. Не-не ширин рўзғорлар ушбу таянчларсиз парокандаликка юз тутмаган, дейсиз.

2000 йили Наманган вилоятининг Учқўрғон туманига қарашли Қувай қишлоғида бир-бирига кўнгил қўйган икки ёшнинг тўйи бўлиб ўтди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини битирган учувчи йигит Аъзамжон билан ҳамшира қиз Ферузахон аҳду паймонлар ила тақдир йўлларини боғлашди. Ўша онларда бу гўзал жуфтликка ҳавас қилмаган ёшлар топилмасди, десак хато қилмаган бўламиз. Тўйдан сўнг келин-куёвлар Аъзамжоннинг хизмат жойига отланишди, ҳарбий оилалар сафидан жой эгаллашди. Икки ёш бахтдан масрур, ҳаммаси кўнгилдагидек. Бироқ йиллар ўтгани сайин оилада фарзанднинг ўрни билина бошлади. Айниқса, бу ҳолатга дастлаб катталар кўпроқ эътибор қаратиши бор гап. Келинчакнинг қалбини ҳам энди ҳадик ва изтироб эгалламоқда эди. Эр-хотин турли шифокорлар ҳузурида бўлишди. Бу орада ота-оналар ҳам қараб туришмади, албатта. Икки ёшга замонавий тиббиётдан тортиб халқ табобатига қадар муолажалар қўлланди. Натижа бўлмагач, Аъзамжон билан Ферузахон бола асраб олишга қарор қилишди. Бу қарорларидан дастлаб Ҳабибахон ая воқиф бўлди. Ўғлининг ўзидан кўпайишини истаган онаизор уларнинг ниятини қўллаб-қувватлади. Бир-бирига меҳри зиёда икки ёшнинг оиласини асраши, қолаверса, фарзанд кетидан ажабмаски Оллоҳ ўзларига ҳам фарзанд берса, деган орзу онанинг кўнглини ёруғ ниятларга тўлдирди. Аммо кутилмаганда бу орзулари ҳам сароб бўлиб чиқди. Улар асраб олмоқчи бўлган боланинг онаси сўнгги паллада, яъни бола туғилишга яқин ваъдасидан қайтди. Она бўлишдек улкан бахт, ширин орзулар оғушида юрган Ферузага бу ҳолат қаттиқ таъсир қилди, шубҳасиз.

– Ўшанда аламимни кўз ёшдан олиб тўйиб-тўйиб йиғладим, – дейди Феруза ўтган воқеаларни эслар экан. – Шундан кейин турмуш ўртоғим иккимиз ҳеч қандай табибу шифокорга мурожаат қилмай, фақат ёруғ умид ва тилак билан яшадик. Орадан маълум вақт ўтиб, ўзимда қандайдир ўзгариш бўлаётганлигини сездим. Лекин шифокорлар қабулидан кўп маротаба ноумид бўлиб қайтганлигим сабаб, бу ҳолатни аниқлашга у қадар шошилмадим. Ва ниҳоят, ўзимда ишонч ҳосил қилгач, врачлар ҳам замонавий аппаратлар орқали буни тасдиқлашди. Тасдиқлашганда, ҳам фарзандларимиз эгизак эканлигини айтишганда қандай ҳолатга тушганлигимни тасаввур қилаверинг. Шифохонадан уйга қайтгач, минг бир ҳаяжон ичида дарҳол турмуш ўртоғимга бу хушхабарни етказиш учун «сим қоқдим», Аъзамжон акамга янгиликни айтиб, «биласизми врачлар яна қандай хушхабар айтишди», дейишимни биламан, «ҳа, болаларимиз эгизак эканми», деса бўладими. Менинг ҳам ҳазиллашгим келиб, «йўқ биратўла учта фарзанд кўрар эканмиз», дедим. Қарангки, худди мана шундай суҳбат онамга сим қоққанимда ҳам такрорланди. Яъни «фарзандларимиз уч эгизак экан», дедим ҳазиллашиб. Кўзимдан эса қувонч ёшлари қуюларди.

Инсон иқлими ғаройиб. У шодликда ҳам, қайғуда ҳам гоҳида кўз ёшга таянади. Баъзан шифокорлар ҳузуридан, баъзида тўйлардан кўзда ёш билан чиқиб кетган Феруза шукроналик, бахтдан кўз ёшларини тиёлмасди. 2005 йилнинг сўнгги ойида Ферузанинг «ҳазили» ўз тасдиғини топди. Шифохонада Ҳасан ва Ҳусандан сўнг, Заҳро дунёга келди. Келинг, суҳбатни давомини ҳазил-мутойибани жойида ишлата биладиган Аъзамжон давом эттирсин:

– Ҳаётда фарзандсизлик сабаб ширин рўзғори, севган ёридан айрилганлар йўқ эмас. Шукурки, биз бу довонни енга олдик. Оила қурганимиздан сўнг беш йил ўтгач, кўриб турганингиздек учта фарзандга ота-она бўлиб турибмиз. Албатта, бу осонликча бўлгани йўқ. Болаларнинг туғилиш жараёнида Феруза оғир аҳволни бошидан ўтказди. Мана, қийинчиликлар ортда қолиб, болаларимиз анча катта бўлиб қолишди. Заҳро юриб кетди, Ҳасан-Ҳусанлар юришга ҳаракат қилишаяпти. Болалар туғилгач, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан ҳамшира бириктирилди. Болалар араваси совға қилинди. Бу эътибор учун албатта ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳарбий учувчи Аъзамжон Имомов хонадонида бўлганимизда, тўғриси, биз ҳам ўз ҳаяжонимизни яшира олмадик. Бир-биридан ширин болажонлар хизматдан қайтган дадаларига талпиниб, бир зумда қучоғини тўлдиришди. Уч фарзандга она бўлиб ҳам келинчаклардек латофатли Ферузага қараб бу гўзалликнинг боиси айнан оналик бахти эканлигини дилдан ҳис қиламан. Бир оёғи Наманганда, бир оёғи бу ёқда бўлган ота-оналар – Ҳусаин ака ва Ҳабибахон ая, Ҳакимжон ака ва Муҳаббатхон опалар ҳам фарзандларининг бахтидан боши осмонда. Ҳар тонг «Кўпнинг қаторида ўсиб улғайишсин, бахту камолларига кўз тегмасин», дея дуоларга қўл очишади. Биз ҳам ёруғ ниятлар, эзгу тилаклар билан меҳру муҳаббат ва сабру қаноатдан бахт топган офицер Аъзамжон Имомов хонадонини тарк этдик.

**Зулфия ЮНУСОВА.**

Қизим, дилбандим

# БИР БАХТИНГ – СУРАТИНГ!

Ҳар бир юртнинг ўз тош-тарозуси, диди, орзу-истаклари ва кўникмалари бор. Мана шу ўзига хосликни биз миллийлик деймиз ва уни авлоддан авлодга асосан аёллар ташийдилар, ўз фарзандларининг руҳига, юрагига сингдирадилар. Ва буни омон қолган миллий қадрият дейилади.

●

Сен разм солгин, дунё халқлари энг катта минбарларда, қаддини жаҳон кўрадиган жойларда, ўзининг муборак кунларида миллий тили, миллий кийимлари ва миллий маданий меросларини намойиш этиб ўртага тушади. Бу уларнинг «менинг наслу насабим бор, зотим, тарихим тайин», деганидир. Миллий ғурур шу, болажон.

●

Дунё – барҳаёт жаранглаётган бир куй, ҳар миллат унинг бир пардаси. Дунё – яшнаб турган анвойи гулдаста, миллатлар унинг бетакрор гуллари! Дунё – камалак, ҳар миллат унинг бир ранги! Қизим, дилбандим, сенга илтижойим шу – тархи тоза наслимиз ҳаққи қасам ич ва мени ишонтир: ки сен ва сендан тарқалганлар шу элнинг асл боласи бўласиз! Қай оҳангтадир эргашиб кетмайсиз, қай бир рангтадир сингишиб кетмайсиз, «дунё» деган куйнинг, «дунё» деган гулдаста, «дунё» деган камалакнинг соф ўзбекча пардаси, ўзбекча гули, ўзбекча ранги бўлиб яшайсиз, иншооллоҳ!

●

Бу борада, қизим-жонсарагим, сен энг огоҳ ва вафодор бўлишингга юракдан ишонаман ва яна бир бор қулоқларингга айтиб қўяй:

Удда қилсанг, ўнта тилни ёдлагил булбулдайин,
Аввало ўз тилгинангнинг хизматин қил қулдайин,
Сўйласанг ўзбекчада, бўйлар таратсин гулдайин,
Нозик ўлсин қилдайин изҳор этарда дилдагин,
Ўзлигингни аввал уқ, ўзбеккинамнинг боласи!

Шу шеърнинг яна бир жойида «дўппилар армон бу кун, эҳ, бекасам тўнлар қани?», – дея оҳ урибман! Оҳларим етсин сенга!

**Турсуной СОДИҚОВА.**



● Фарзандлар-ла нурафшон ҳаёт йўлимиз

# ИБН СИНО ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Маълумки, Шарқнинг буюк алломалари таълим ва тарбия масалаларига алоҳида эътибор беришган. Абу Али ибн Сино ҳам мазкур устувор масалаларга доир бир қанча асарлар ёзиб, ўзидан бой илмий мерос қолдирган.

Ибн Синонинг шахсни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фикрлари ўзининг инсонпарварлиги, теранлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. У тавсия қилган таълим ва тарбия тизими қуйидагиларни ўз ичига олган. Булар: ақлий тарбия; жисмоний соғломлаштириш (даволаш) тарбияси; эстетик тарбия; ахлоқий тарбия; меҳнат тарбияси (ҳунар ўргатиш).

Ибн Сино болани мактабда ўқитиш ва тарбиялашга катта аҳамият бериб, «Тадбир ал-манозил» асарининг махсус бўлимини ана шу масалага бағишлаган. Китобнинг «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» бўлимида таъкидланишича, мактабга барча кишиларнинг болалари жалб этилиши, ҳамма болалар бирга ўқитилиши ва тарбияланиши лозим. У болани уй шароитида якка ўқитишга қарши бўлган ва мактабда жамоа билан ўқитишнинг фойдасини қуйидагича ифодалаган:

– агар болалар бирга ўқиса, зерикмайди, уларда фанни эгаллашга қизиқиш юзага келади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат, мусобақалашиш истаги ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ўқишнинг яхшиланишига ёрдам беради;

– ўзаро суҳбатда болалар бир-бирларига китобдан ўқиб олганларини, катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар;

– болалар бирга тўпланганларида бир-бирларини ҳурмат қила бошлайдилар, дўстлашадилар, ўқув материалларини ўзлаштиришда бир-бирларига ёрдамлашадилар, бир-бирларидан яхши одатларни ўрганадилар.

Шунингдек, Ибн Сино ўқитиш жараёнига ката аҳамият берган ва уни қуйидаги тарзда ташкил қилиниши зарур, деб ҳисоблаган:

– болани бирдан китобга жалб қилиб қўймаслик керак;
– ўқитиш аста-секин, осондан қийинга ўтиш йўли билан олиб борилиши лозим;
– ўқувчилар билан амалга ошириладиган тарбия уларнинг ёшига мос бўлиши шарт;
– ўқитиш жамоа тарзида уюштирилиши даркор;
– ўқитиш боланинг майли ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак;
– ўқитиш жисмоний машқлар билан қўшиб олиб борилиши зарур.

Ибн Синонинг қимматли фикрларидан бири шундан иборатки, у тарбия масалаларига бағишланган асарларида ўқитувчининг ролига катта эътибор билан қараган. Тарбиячи танлашни муҳим масала деб ҳисоблаган. У бола 6 ёшга тўлиши билан уни ўқитувчининг тарбиясига беришни тавсия қилади. Тарбиячи «Ростгўй, доно, одил, озода кийинадиган, хушмуомала» бўлиши зарурлигини уқтиради ва ёш авлодни ўқитадиган ҳамда тарбиялайдиган кишилар олдига бир қанча талаблар қўяди. Унинг фикрича, тарбиячи болалар билан муомалада босиқ бўлиши, ўқувчилар таълимни қандай ўзлаштираётганини кузатиб бориши, ўқитиш жараёнида ҳар хил усулларни қўллаши, ўқувчининг хотираси ва бошқа ақлий қобилиятини билиши, болаларни тарбиялашда тегишли жазо чораларини қўллаши, ўтилганларни такрорлашга мажбур қилиш орқали уларни фанга қизиқтириши, ўз фикрини ўқувчига баён қилишдан олдин масаланинг моҳиятига ўзи тушуниб олиши, кейин уни қисқа, аниқ адабий тилда тушунтириши, бунда кўп гапиришдан қочиши ва болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур.

Бундан ташқари, Ибн Сино таълим ва тарбия жараёнида оиланинг муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлаган. «Тадбир ал-манозил» номли асарнинг энг катта боби оила ва ота-оналарнинг тарбиядаги фаолиятини шарҳлашга бағишланиб, бу хусусда аллома бир қатор йўл-йўриқлар кўрсатган. Ибн Синонинг уқтиришича, оила тарбияси ҳам амалий, ҳам назарий иш эканлигини ота-оналар яхши билишлари зарур. Ота-она бола тарбиясида турли усуллардан фойдаланса, у оила бахтли бўлади. Шунинг учун асарнинг «Насиҳат йўли» бобида ота-оналарнинг вазифалари, уларни бажариш учун ота ва онада қандай фазилатлар бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Оналар фазилати ҳамда бурчлари ҳақида китобнинг алоҳида бобида фикр юритилган. Ибн Сино таъбирича, аёллар қуйидаги ижобий фазилатларга эга бўлишлари шарт. Яъни аёл киши билимли, иймон-эътиқодли, уятчан, шарму ҳаёли, табиатан жасур, ўз эрини севадиган, бола тарбияси ҳақида ўйлайдиган, тўғри, камтар, фаросатли, тежамкор бўлиши керак. Ўз вазифаси ва бурчини англаши, эри билан итоаткорона муомалада бўлиши, уни ҳурмат қилиши лозим.

Умуман, буюк мутафаккирнинг таълим-тарбия ҳақидаги қимматли фикрлари ёш авлодни комил инсон қилиб вояга етказишда ҳамма замонларда дастуриламал бўлиб хизмат қилган. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришган ҳозирги шароитда Ибн Синонинг ёшларни ҳар жиҳатдан – маънавий ҳамда жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш хусусидаги фикрларидан таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш катта самара беради.

**Подполковник Қобилжон СУВОНҚУЛОВ.**

# O'TINCHI YIGIT BILAN SHER

Bir yigit dalaga o'tin tergani chiqibdi. Bir daraxt yoniga kelib shu daraxtni yiqitmoqchi bo'libdi. Bir sher kelib qolib:
– Ey odamzod, nimaga kelding, bu yerda nima ish qilasan? – debdi. U yigit:
– Mana shu terakni qulataman, – debdi. Sher:
– Men shunday kuchim bilan bu terakni qulata olmaymanku, sen qanday qilib qulatasan? – debdi.
Yigit:
– Ey jo'ra, men juda zo'rman, – debdi. Sher:
– Sen zo'r bo'lsang, kel, ikkovimiz kurashib kuchimizni sinaymiz, – debdi.
Yigit:
– Mayli, kurashamiz, – debdi. Ikkovi kurashmoqchi bo'lib turganda yigit:
– Kuchimning yarimi uyda qolibdi, borib olib kelay, – debdi. Sher:
– Ha, borib kel, bo'lmasa yiqilsang, kuchim uyda qolgan edi, deb tan bermay yurarsan, – debdi. Yigit kuchini olib kelmoqchi bo'lib ketib, bir joyda ko'rinmay berkinib turib, yana qaytib kelibdi.
Sher:
– Olib keldingmi? – debdi.
– Olib keldim, – debdi yigit.
– Unday bo'lsa qani kurashaylik, – debdi sher.
Yana ikkovi kurashmoqchi bo'lib turganda yigit:
–Ey sher jo'ra, kuchimning tag'in pichasi uyda qolibdi. Olib kelay, – deb ketib, yo'ldan qaytib kelib:
–Sen qochib ketma, – debdi.
Sher:
– Yo'q, men qochmayman, sherning gapi bir, – debdi.
Yigit:
– Yo'q, senga ko'nglim ishonmaydi. Seni bog'lab ketaman, – debdi.
Sher:
– Bog'layqol, – deb o'zini bog'latibdi. Yigit sherni mahkam bog'labdi. Toldan yaxshi bir tayoq qilib, so'ng u bilan gursillatib sherni ura boshlabdi.
Sherning: "Jon odamzod, meni urmang, endi odamzodga yo'liqmayman", deb yalinganiga ham qaramay, ura beribdi. Shu payt bir yo'lbars kelib qolibdi. Yigit yo'lbarsdan qo'rqib terak boshiga chiqib ketibdi. Yo'lbars sherning bog'lanib yotganini ko'rib:
– Ey sher, shuncha kuching bilan nimaga o'zingni odamzodga urdirasan? – debdi.
Sher:
– Esing bo'lsa odamzodga yo'liqma. Qoch bu yerdan. Seni ham ushlab, bog'lab uradi, – debdi.
Yo'lbars sherdan bu gapni eshitishi bilan orqasiga qaramay qochib ketibdi. Yigit terak ustidan tushib, sherni bo'shatib yuboribdi. Terakni qulatib, arralab uyiga olib borib, murod-maqsadiga yetibdi.

## ЯШИРИНГАН ҲАРФЛАР

Суратни бўянг ва яширинган 14 та ҳарфларни топинг.





## НУХОТ ШУРВА – СУП ГОРОХОВЫЙ С МЯСОМ

300 г вымоченного гороха, 300 г мяса, 1 головка лука, 1 картофелина, 2 моркови, лавровый листик, 0,5 пучка зелени (укропа, кинзы), соль и перец – по вкусу.

Накануне перебрать, промыть горох местного сорта (нухот), замочить в холодной воде. На другой день, когда горох хорошо набухнет, сварить суп на мясном бульоне. Баранину или говядину нарезать ломтиками, кости порубить так, чтобы при варке хорошо выделялся жир, и варить на медленном огне вместе с горохом, морковью и луком, соответственно нарезанными кубиками и нашинкованными кольцами, а картофель очистить и положить целиком в конце варки. По окончании варки положить лавровый листик и заправить солью.

Готовый суп налить в касы, посыпать рубленой зеленью, отдельно подать молотый перец.

## КОВАТОК ДУЛМА – ГОЛУБЦЫ С ВИНОГРАДНЫМИ ЛИСТЬЯМИ

500 г мяса, 3 – 4 головки лука, 50 г топленого масла, соль и перец – по вкусу. 100 – 120 шт. молодых листьев винограда.

Из мякоти баранины или говядины приготовить фарш, добавить рубленый лук, посыпать солью и перцем, перемешать.

Сорвать молодые листья с виноградной лозы, на тыльную сторону каждого положить по 1 чайной ложке фарша и оформить мелкие голубцы.

На дно кастрюли поставить тарелку, а на нее рядами уложить голубцы швом вниз, сверху прикрыть другой тарелкой и придавить грузом, налить холодную воду так, чтобы она покрыла содержимое кастрюли, и варить в течение 30–35 минут на слабом огне. За 5 минут до окончания варки заправить топленым маслом.

Подать на тарелочках по 15–20 шт. на порцию, соус подается отдельно в пиалах.

Готовится только весной, в период появления побегов виноградной лозы. Из консервированных листьев готовится зимой.



Абдулла Қаҳҳор таваллудининг юз йиллигига

# ИЖОДКОРЛАР ТАШРИФИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Мазкур кечага республикамизнинг бир гуруҳ таниқли ижодкорлари ташриф буюрдилар.

Адабий кеча одатдаги тадбирлардан фарқли равишда бошқачароқ кун тартиби билан бошланди. Албатта барча ҳарбий жамоаларда турли-туман қизиқарли тадбирлар ташкил қилинади. Аммо ижодкорларнинг ҳарбийлар хизмат жараёни билан бу қадар яқин танишувларига йўл берган мазкур тадбир, менимча илк бор ўтказилди.

Дастлаб ижодкорларни билим юрти брифинг залида олий даргоҳ бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов бир гуруҳ ўқитувчи офицерлар билан қабул қилди. Улар билим юрти фаолияти билан меҳмонларни таништирдилар ва қизиқтирган барча саволларига тўлақонли равишда жавоб бердилар.

Шундан сўнг меҳмонлар билим юрти ўқув залларини кўздан кечиришди. Уларда айниқса, курсантлар билан машғулотлар олиб бориладиган замонавий ўқув лабораторияси катта таассурот қолдирди. Албатта, давр талабларига жавоб бера оладиган, ихчам, замонавий армия учун мутахассислар тайёрлашда зарур ва керакли бўлган мазкур технологиялар ижодкорларни қизиқтириши табиий.

Билим юрти музейи республикамизда мавжуд бўлган олий ҳарбий даргоҳларнинг бундай масканлари орасида экспонатларга бойлиги, ҳар бир давр руҳи яққол акс этиб турган жиҳозлари билан ажралиб туради. Унинг яқин ўтмиш акс этган заллари бўйлаб кезсангиз, мамлакат Қуролли Кучларида билим юртининг нақадар юксак ўрни борлигини билиб оласиз. Музей кираверишида қўйилган, билим юртлари ўртасида унинг етакчи эканлигини ифодалаб турган кўчма Кубок айни кунда олий даргоҳ жамоаси учун фахрли, ҳам қадрли бўлган буюмлар сирасига киради. Ижодкорлар билим юртининг ҳурматли меҳмонлари сифатида музейнинг фахрли меҳмонлар китобида ўз дастхатларини қолдирдилар.

Билим юрти курсант ва офицерлари билан учрашув ғоят сермазмун, эсда қоларли тарзда ўтди. Улкан ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ҳаёти, ижоди ҳақида биргина учрашувда тўлиқ маълумот бериш мумкин эмас. Унинг биттагина ҳикояси ҳақида ҳам соатлаб сўзлаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур учрашув ёзувчи ҳақида маълумот берди эмас, балки унинг ижоди билан таниш инсонларнинг гўзал мулоқоти, суҳбати бўлди, десак тўғрироқ бўлади.

Ёзувчи Ғулом Карим, тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов, филология фанлари номзоди, шоир Темир Қурбон, тарихчи олим Нурёғди Тошев, физика-математика фанлари доктори, профессор ношир Ибодулло Шоймардоновларнинг Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақидаги суҳбатларини барча мароқ билан тинглади.

Ёзувчининг «Асрор бобо» ҳикоясини кўпчилик ўқиган, албатта. Бу оддий ҳикоя эмас. Мазкур ҳикояда икки инсон муносабати орқали ўзбек характери, миллат характери маҳорат билан очиб берилган. Ҳикоя улкан муҳорабада фарзандидан айрилган ўзбек хонадони хусусида. Чол-кампирнинг ўғли урушда ҳалок бўлган. Бу даҳшатли хабарни чол кампиридан, кампир эса чолидан бекитадилар. Улар шу тариқа бир-бирларини авайлайдилар.

Абдулла Қаҳҳор теша тегмаган сўзлар, иборалар устаси эди. Ана шундай сўзлар билан адабиётга берган баҳосини эсланг: «Адабиёт атомдан кучли, аммо уни ўтин ёришга ишлатиш керак эмас».

Улкан ёзувчимиз ёшлар орасидан истеъдод эгаларини ҳам тез илғаб оладиган, ғоят нозиклик билан адабий оламга танита оладиган заковатли инсон бўлганлигини адабиёт аҳли яхши билади. Айни кунда ўша ёшлар бугунги ўзбек адабиётининг йирик вакилларига айланишган.

Шунингдек, талабчан устознинг ижодга, шогирдларга муносабати билан боғлиқ қизиқарли ҳолатлар, мураккаб даврнинг ёзувчи ижодидаги акс-садоси ҳақидаги яна кўплаб маълумотлар адабиётшунос олим, шоир Эргаш Очил суҳбатида ўз аксини топди.

Ўз навбатида курсант ва офицерлар орасида Абдулла Қаҳҳор асарларининг ашаддий мухлислари бисёр эканлиги ижодкорларга берилган кўпдан кўп саволлардан ҳам билиниб турди. Бунда албатта, билим юрти бой бадиий кутубхонасининг алоҳида ўрни бор. Бундан ташқари, ҳарбийларимиз ҳам бадиий адабиётга яқин эканликларини кўрсатиш мақсадида ўзларининг ижод намуналарини иштирокчиларга ўқиб бердилар. Жумладан, офицер Санжарбек Отақуловнинг шеърий машқлари илиқ кутиб олинди.

Учрашувда севимли адибимизнинг адабиётнинг олтин фондидан жой олган қатор асарлари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Мухтасар қилиб айтганда, сермазмун учрашув барчанинг дилидан жой олди. Ёзувчи Ғулом Карим миллатдошларимизнинг ўзбек миллий армияси, профессионал ўзбек миллий армияси ҳақидаги орзулари бугун ушалганини кўриш қувончли эканлигини айтганда барчанинг кўнгли ғурур ва ифтихор туйғулари билан тўлди.

Тадбир меҳмонлари билим юрти кутубхонасига ўзларининг турли мавзуларда ёзилган асарларини тақдим қилдилар. Ўз навбатида билим юрти бошлиғи ижодкорларга эсдалик совғалари топширди. Тадбирни подполковник Чори Насриддинов бошқариб борди.

– Тўғрисини айтсам бу қадар самимий учрашув бўлишини кутмаган эдим, – деди шоир Темир Қурбон. – Билим юрти бошлиғи томонидан ҳар хил соҳа вакили бўлган курсантларнинг енгил юмор орқали таништирилиши орадаги расмиятчилик деворини йўқотиб, гўзал самимиятни яратди. Бу яқинлик ижодкор дўстларимиз кўнглида шонли Қуролли Кучларимиз ва фидойи ҳимоячилар ҳақида янги-янги бир асарлар ёзиш фикрини уйғотганлиги шубҳасиз.

**Инобат ИБРОҲИМОВА.**
**Александр МРУЧАК суратга олган.**





Баркамол авлод тарбияси

# САЁҲАТ – ОНА ЮРТГА МУҲАББАТНИ СИНГДИРАР

**Миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғулари, она юртга, табиатга меҳр-муҳаббат болаликдан шаклланади. Бунда айниқса саёҳат дарсларининг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам Ғаллаорол туманидаги Амир Темур номли 25-мактабнинг олий тоифали табиатшунослик фани ўқитувчиси Гулчеҳра Сулаймонова бор имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.**

Масалан, ўқув йили бошида муаллима VII «А»-синф ўқувчилари билан пойтахтимиздаги Мустақиллик ва Эзгулик монументи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи каби диққатга сазовор жойларга саёҳат уюштиришни режалаштирди. Олдиндан умумий маълумотлар берди. Тошкент шаҳрига саёҳат давомида эса ўқувчи ёшлар жуда кўп маълумотга эга бўлишди. Ҳар бир музей, бино, майдон ёнида эсдалик учун суратга тушиш улар учун унутилмас воқеага айланди, деса асло муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, саёҳат давомида ўқувчилар тасаввури янада кенгайди. Аввал тарихий ва замонавий бинолар, мажмуалар ҳақида ўқиган, эшитган ва «ойнаи жаҳон» орқали кўрган бўлишса, энди эса бевосита кўздан кечиришди. Шундай гўзал юрт фарзанди эканликларидан янада фахрланишди. Руҳий кўтаринкилик пайдо бўлди. Саёҳат дарси охирида муаллима уй вазифаси сифатида ижодий иш – иншо ёзиб келишни айтар экан, ўз шогирдларига оз бўлса-да йўналиш берди. Гулюз Ҳабибуллина, Сарвар Ашуров, Севара Абдуллаева каби ўқувчилар иншога ижодий ёндошгани, мустақил фикрларини кўпроқ сингдиргани сабабли энг юқори баҳога сазовор бўлдилар.

Муаллима Г.Сулаймонова навбатдаги саёҳат дарсида ўқувчилар билан Нурота тоғ тизмаларида жойлашган Қўйтош тоғига саёҳат уюштирди. Қўйтош туманнинг энг сўлим ва хушманзара гўшаларидан бири бўлиб, унинг мафтункор табиати ҳар бир томошабинга завқ-шавқ, ҳузур-ҳаловат ва ором бағишлайди. Тоғнинг гўзаллиги, тароватi ва ҳусн-латофати ўзига ром этмай қўймайди.

Ўқувчилар тоғдан тобора юқорига кўтарилиб шилдираб оқаётган булоқлар, ям-яшил ўтлоқлар, чамандек очилиб турган дўланаларнинг сариқ-қизил гуллари ва адоғи йўқ пистазорларнинг ястаниб ётишини томоша қилишаркан, улар кўнглида табиатга бўлган меҳр-муҳаббат ва шафқат ҳислари янада туғён ура бошлади. Тоғ қўйнидаги беозор жониворларга озор бермаслик, уларни асраш ва ёрдам қўлини чўзиш, вақти-вақти билан табиат қўйнида бўлиб туришни кўнгилларига тугишди.

Ҳа, табиатни севган, унга меҳр қўйган, асраб-авайлаган, ўз уйим, ўз масканим деб билган ҳар бир ўқувчи қалбида она юртга бўлган меҳр ҳисси жўш уради, уларнинг амалий, ҳам назарий билим доираси кенгаяди, Ватанга ва она табиатга бўлган муҳаббати, садоқати, бой меросимизга бўлган ҳурмати янада юксалади. Демак, бундай саёҳат дарслари баркамол шахсни вояга етказишдек умумхалқ, умумдавлат ишига қўшилган муносиб ҳисса, десак асло муболаға бўлмайди.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти.**





Шифокор маслаҳати

# ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИНГ

Юқумли ошқозон-ичак касалликларининг ҳар бирини маълум бир турдаги микроорганизмлар, яъни бактериялар ёки вируслар чақиради. Ушбу касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, клиник белгилари бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг умумий ўхшашликлари мавжуд.

Касалликни қўзғатувчи микроорганизмлар инсонга оғиз орқали юқиб, ошқозон ва айниқса, ичак йўлларида кўпаяди ва унинг деворларини яллиғлантиради. Ўзидан токсин, яъни заҳар ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлиб, бутун тананинг заҳарланишига сабаб бўлади.

Микроорганизмлар жуда майда мавжудотлар бўлиб, оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Улар инсон танасидан ташқарида ҳам яшаш қобилиятини сақлаб қолади. Сув, сут ва гўшт, сабзавот, мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг яшаши ва кўпайиши учун қулай шароит ҳисобланади. Касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар юқори даражадаги иссиқлик, ультрабинафша нурлар ва дезинфекцияловчи воситалар таъсирида ўлади.

Микроблар оғиз орқали одам организмига тушиши биланоқ касаллик бошланмайди. Маълум муддатгача касалликнинг белгилари юзага чиқмайди. Лекин бу вақт мобайнида микроблар ичакда кўпайиб, токсинларни ишлаб чиқара бошлайди. Бу муддат касалликнинг яширин даври дейилади ва ҳар хил касалликларда турлича бўлади. Бу давр ўртача бир неча соатдан 7–10 кунгача давом этиши мумкин.

Яширин даври тугагандан сўнг касаллик ўзига хос белги ва аломатлар билан намоён бўлади. Барча ошқозон-ичак касалликлари учун хос бўлган умумий белгилар қуйидагилардан иборат: дармон қуриши, лоҳас бўлиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриши, кўнгил айниши, қусиш, ич кетиш ҳолларидир.

Сурункасига ич кетиши ва қусиш тананинг сувсизланишига олиб келиши мумкин. Танадан сув билан бирга минерал тузлар ҳам чиқиб кетиши оқибатида тана қурий бошлайди, бемор озади. Сувсизланиш юрак ва мия фаолияти ҳамда қон айланишининг кескин бузилишига олиб келади.

Аксарият ҳолларда катта ёшдаги одамларда касаллик клиник белгиларсиз ўтади, лекин уларнинг нажаси, сийдиги, сўлаги ва бошқа ажратмалари билан касаллик қўзғатувчи микроблар ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Бундай кишилар тиббиётда «соғлом» бактерия (ёки вирус) ташувчилар деб аталади.

Юқумли меъда-ичак касалликлари соғлом кишиларга касалликнинг енгил, яширин ёки очиқ шаклини бошдан кечираётган беморлардан ҳамда ташқи кўринишидан соғлом бактерия (ёки вирус) ташувчиларнинг ажратмалари орқали юқади.

Касалликнинг юқишида ўта хавфли манбалар – касалликнинг енгил кечиши натижасида уни оёқ устида ўтказаётганлар ҳамда кўринишидан соғлом ҳисобланган бактерия ташувчилардир. Бундай кишилар касалланганини ўзлари билмаган ҳолда кўпчилик билан мулоқотда бўладилар, эҳтиёт чораларини кўрмаслиги оқибатида касалликнинг юқиш хавфи янада ортади. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматчилар орасида юқумли ошқозон-ичак касалликларининг белгилари (кўнгил айниши, қусиш, ич кетиши) кузатилганда, дарров тиббиёт пунктига мурожаат қилиш лозим.

Касалликка чалинмаслик учун авваламбор, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш;

– ҳар куни кечқурун – уйқудан олдин, эрталаб – уйқудан сўнг юз-қўлни совунлаб ювиш ва тишларни тозалаш;

– қўлларни совунлаб ювиш;

– тозаланган, махсус идишларда чиқарилган ёки қайнатилган сувни ичиш;

– чўмилганда оғиз орқали сув ютмаслик, фақат шахсий мочалка ва сочиқдан фойдаланишга одатланиш;

– овқат қолдиқларини очиқ, ишлатилган идиш-товоқларни ювуқсиз қолдирмаслик;

– ахлатларни қопқоғи зич ёпиладиган идишларга йиғиш, уни камида кунига бир маротаба бўшатиб, дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида зарарсизлантириш;

– пашшалар кирмаслиги учун ухлаш хоналари, ошхона, ҳожатхона деразаларига махсус симдан ёки сунъий матодан ишланган тўр ёки дока тутиш лозим.

Ушбу тавсияларга қатъий риоя қилсангиз, нафақат ўзингизни, балки сафдошларингизнинг ҳам соғлиғини сақлаган бўласиз.

**Тиббий хизмат подполковниги Бахтиёр АҲМЕДОВ.**
**Врач-мутахассис Мақсуда ЯРАЛОВА.**

Из истории военной техники

# БОЕВЫЕ МАШИНЫ ПЕХОТЫ

Боевая машина пехоты – сравнительно молодой вид бронетанковой техники. Опыт применения танков и пехоты свидетельствует: чтобы повысить мобильность пехотных подразделений, обеспечить живучесть танков, их защищенность в различных условиях, необходимо было создать боевую машину, способную перевозить пехоту к полю боя, высокоманевренную, имеющую пушечное и пулеметное вооружение, способную действовать в условиях применения оружия массового поражения, обеспечивающую ведение огня пехотой после спешивания самостоятельно, а также, не высаживаясь из машины, через бойницы. Машина должна была защитить личный состав пехотного подразделения от огня стрелкового оружия противника, осколков разорвавшихся снарядов. Каждое государство шло своим путем к решению этой важной задачи.

Рассмотрим некоторые образцы боевых машин пехоты армий развитых зарубежных стран. Одной из таких машин, выпущенной в России, является БМП-1. БМП-1 относится к машинам «первого поколения» боевых машин пехоты.

Первый образец этой машины был принят на вооружение в 1966 году, а в серийное производство запущен в 1967 году.

Основное вооружение БМП-1 – это 73-мм гладкоствольное полуавтоматическое орудие. На стволе и бронемаске смонтирован кронштейн пусковой установки ПТУР «Малютка». Боекомплект орудия – 40 выстрелов. Прицельная дальность стрельбы – 1300 м, дальность прямого выстрела по цели высотой 2 м – 765 м.

С орудием спарен 7,62-мм пулемет ПКМ с ленточным питанием, имеющим скорострельность 200–250 выстрелов в минуту, и боекомплект – 2000 патронов. Дальность стрельбы ПТУР – от 500 м до 3000 м, бронепробиваемость – до 400 мм. В комплекте машины имеется 4 ПТУР. Кроме того, в укладке машины 2000 патронов для пулеметов ПК, 2 ракеты для переносного защитного ракетного комплекса «Стрела-2» или 5 гранат для РПГ-7, 10 ручных гранат Ф-1, сигнальный пистолет с 12 ракетами. Мощность двигателя – 300 л.с., емкость топливных баков – 462 л.

Машина снабжена радиостанцией Р-123 и ТПУ (танковое переговорное устройство на пять абонентов). Дальность радиосвязи при 4-метровой штыревой антенне – 20 км. Машина способна преодолевать своим ходом без специальной подготовки водные преграды при скорости течения не более 1,2 м/сек. и при волне высотой не выше 0,25 м. Скорость на плаву – не менее 7 км/час. Скорость движения БМП-1 по грунтовой дороге – 40–45 км/час, максимальная скорость по шоссе – 65 км/час.

С 1979 г. ПТУР (противотанковая управляемая ракета) «Малютка» заменена на ПТРК (противотанковый ракетный комплекс) «Конкурс» с более высокими показателями боевых возможностей. Для постановки дымовых завес на БМП-1 внедрена система «Туча» с 82-мм дымовыми гранатометами. На некоторые образцы БМП-1 на башне устанавливались 30-мм автоматические гранатометы «Пламя».

На базе БМП-1 были созданы такие машины, как БРМ-1 (боевая разведывательная машина), БРМ-1К. В комплект данной машины включены приборы и аппаратура для ориентирования и ведения разведки – навигационная аппаратура, лазерный дальномер, радиолокационная станция, приемник-пеленгатор, миноискатель, прибор химической разведки, гирополукомпас и другие. На БРМ-1К установлены две танковые радиостанции Р-123М и Р-130М, а также имеется переносная УКВ радиостанция.

На базе БМП-1 были созданы машины для управления, это БМП-1КШ (командно-штабная), ПРП-3 (подвижный разведывательный пункт), предназначенный для ведения разведки противника и местности, а также стрельбы наземной артиллерии.

В качестве армейского средства инженерного вооружения для инженерной разведки водных преград (с целью переправы танков под водой), а также выполнения подводных инженерных работ с использованием агрегатов и узлов БМП-1 был разработан инженерный подводный разведчик ИПР.

В 1982 году производство БМП-1 было прекращено.

На его базе в семидесятые годы прошлого века была создана боевая машина «второго поколения», получившая наименование БМП-2.

В данной машине конструкторами внесены изменения в комплект вооружения и размещения экипажа БМП.

На БМП-2 установлена двухместная башня, в которой справа от пушки размещается командир БМП-2, слева – наводчик-оператор. В десантном отделении размещаются 6 стрелков. В кормовой части 2 люка.

30-мм автоматическая пушка имеет 2-ленточное питание. Огонь из нее ведется бронебойными, осколочно-фугасно-зажигательными и осколочными трассирующими снарядами. Пушка имеет два темпа стрельбы – малый (200–300 выстрелов в минуту) и большой (не менее 550 выстрелов в минуту). Прицельная дальность стрельбы по наземным целям составляет 2000 м для бронебойных и 4000 м для других типов снарядов.

Боекомплект к пушке – 500 выстрелов, 160 из которых бронебойно-трассирующие. С пушкой спарен 7,62-мм пулемет ПКТ с темпом стрельбы 700–800 выстрелов в минуту, ленточным питанием и наибольшей прицельной дальностью 2000 м. Боекомплект – 2000 патронов.



Для борьбы с танками и другими бронированными средствами противника предназначен ПТРК «Фагот-М» или «Конкурс», который может использоваться в машинном и выносном вариантах.

ПТУР «Фагот-М» имеет калибр 120 мм, дальность стрельбы – от 75 до 2500 м, бронепробиваемость – 460–500 мм.

ПТУР «Конкурс-М» имеет калибр 125 мм, бронепробиваемость – 750–800 мм. Дальность полета ракеты от – 70 до 4000 м. Боекомплект – 4 ПТУР.

Оружие десанта включает 2 ручных пулемета, 6 автоматов, 2 ПЗРК «Стрела-3» или «Игла-1» (вместо одного ПЗРК может укладываться РПГ-7, а также 12 гранат Ф-1).

На некоторых машинах на крыше башен монтируются 30-мм автоматические гранатометы АГС-17.

Наличие такого мощного вооружения на БМП-2 значительно увеличило огневые возможности данной машины. Наличие 30-мм автоматической пушки с большим углом подъема позволяет успешно вести огонь по низколетящим самолетам и вертолетам противника, вести огонь в горной местности, поражать пехоту противника на больших расстояниях, вести огонь и поражать боевые машины пехоты и БТР противника, поражать танки с использованием ПТРК на расстояниях до 4 км.

Мощность двигателя УТД-20 равна 300 л.с., емкость топливных баков – 460 л. Запас хода по топливу – 500 км.

Машина способна преодолевать подъем в 35 градусов, ров шириною 2,5 метра, стенку – 0,7 м, передвигаться на плаву со скоростью 7 км/час.

БМП-3 – новая боевая машина пехоты третьего поколения, принятая на вооружение в 1987 году, является принципиально новой боевой машиной пехоты.

Данная машина имеет более мощное вооружение, включающее в себя 100-мм орудие – пусковую установку 2А70, 30-мм автоматическую пушку, 3 ед. пулемета калибра 7,62 мм, пусковую установку ПТУР. Внутри машины возятся РПГ-7 (или РПГ-16, 5 РПГ-18 или РПГ-22), 2 ед. ПЗРК «Стрела-3» или «Игла-1», 15 гранат Ф-1.

На некоторых БМП-3 могут устанавливаться на крыше башни автоматические гранатометы АГС-17 «Пламя».

На машине в комплекте имеются 8 ПТУР. Система наведения ПТУР полуавтоматическая по лучу лазера, максимальная дальность стрельбы – 4000 м, минимальная – 100 м. «Кумулятивная» боевая часть обеспечивает бронепробиваемость – 660–700 мм. При стрельбе с места вероятность попадания равна 0,8.

Дальность стрельбы 30-мм автоматической пушки – до 4000 м, эффективная дальность – 2000 м, темп стрельбы – до 550 выстрелов в минуту. Боекомплект – 500 выстрелов.

Штатный боекомплект к орудию составляет 22 выстрела, к спаренному 7,62-мм пулемету – 2000 патронов и по 2000 патронов к пулеметам ПКМ, расположенным в автономных установках.

Мощность двигателя равна 450 л.с. Емкость топливной системы – 700 л, запас хода по шоссе по топливу – 600 км. Машина имеет боевой вес 18 т, экипаж – 3 человека, десант – 7 человек.

Максимальная скорость по шоссе – 70 км/час, при движении назад – 20 км/час и 10 км/час на плаву.

**Полковник Баходир ГАФУРОВ.**
**(Продолжение следует).**

Кўнгилга ташриф

РАВШАН КОМИЛОВ

# АЙТИЛМАГАН ҚЎШИҚЛАРИМ КЎП

**Бундан ўн йиллар илгари пойтахтимиздаги «Алпомиш» саройида ёш, истеъдодли хонандаларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтган. Оппоқ костюм-шими ўзига ярашган, хушсурат, кўркам йигит саҳнага чиқиб «Омон бўлайлик» дея баралла куйлаганди. Ҳа, зални гулдурос қарсакларга тўлдирган жарангдор овоз соҳиби бугунги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов эди. Равшан ака билан суҳбат қилиш айни баҳор кунларига тўғри келди.**



**– Равшан ака болалигингизда шўх бўлганмисиз ёки...**

– Ота-онамнинг орзу-ҳавас билан кутган тўнғич фарзандиман. Менинг тарбиям билан кўпроқ ойижоним шуғулланган. «Болалигим – бойлигим», дейдилар. Ўша беғубор дамларимни ҳамон қўмсайман. Кўпчилик болалигида шўх, ўт-олов бўлади. Аммо мен жудаям оғир, вазмин болакай эдим.

**– Санъатга қизиқишингиз мактаб пайтидан бошланганми?**

– Ҳа, тахминан учинчи синфларда ўқирдим. Ўшанда мактабимиз саҳнасида илк маротаба қўшиқ куйлаганман. Ота-онам ҳар доим устоз санъаткорларнинг пластинкаларини олиб келишарди. Мириқиб тинглардик. Улардан айримларини ёд олардим. Ашула ўқитувчимиз ҳам овозимни эшитиб кўргач, мени тадбирларга, байрамларга тайёрлайдиган бўлди.

**– Ота-онангиз сизнинг бу қизиқишингизга қандай қарашди?**

– Улар санъатни жудаям севишарди. Аммо тақдир тақозоси билан муҳандислик касбини танлашган. Менинг қўшиқ айтишимни жудаям хоҳлашгани учун ҳам Сирғали туманидаги мусиқа мактабига беришган эди. У ерда мусиқий билим олиш билан бирга қашқар рубоби чалишни ўрганганман. Кейин маданият техникумида, Низомий номидаги педагогика институтининг мусиқа факультетида таҳсил олдим. 1993 йилда «Камолот–93» республика кўрик-танловининг ғолиби бўлдим. Кейинги йили яна кўрик-танловда қатнашиб, Улуғбек жамғармасининг мукофотига сазовор бўлдим. Қилган меҳнатларим, изланишларим бесамар кетмади. 2000 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олишга муяссар бўлдим.

**– От изини той босар, деганларидек, бугунги кунда санъат оламига ўғлингиз ҳам кириб келди. Унинг ижодига қандай қарайсиз?**

– Фарзандларим орасида Фаррухда қўшиқ айтишга иштиёқ кучли эди. Шунинг учун уни бу йўлдан қайтармадим. Қўлимдан келганча ўзим устозлик қилдим, йўл-йўриқ кўрсатдим. Бугунги кунда унинг ҳам ўз мухлислари бор. Ҳаттоки қўшиқларини жамлаб, аудиоальбомини ҳам чиқарди. Ўғлим билан ижод хусусида суҳбатлашганимизда, мустақил фикри борлигидан хурсанд бўламан. Хуллас, ундан умидим катта.

**– Ҳозирги шоубизнес олами ҳақидаги фикрларингизни ҳам билсак...**

– Бугунги шоубизнес олами жуда мураккаб. Унинг жуда майда, кўзга кўринмас қирралари мавжуд. Ҳар бир ижодкор саҳнада бўлсин, ойнаи жаҳонда ёки тўйларда бўлсин, мана шу қирраларга аҳамият бериши керак, деб ўйлайман. Мухлисларнинг олқишига сазовор бўлиш учун кўп меҳнат қилиш, маъноли қўшиқ, мазмунли клип ишлаш зарур. Шоубизнесдан четлашган санъаткор банкрот бўлиши ёки халқ эътиборидан четда қолиши мумкин. Мен кўпроқ бир нарсага эътибор қиламан. Пул кетса кетсин, аммо мухлис, обрў-эътибор четда қолмасин. Чунки олқишга, ҳурмат-эътиборга эга санъаткор ижод қилади, изланади. Бугунги мухлисларнинг диди жуда нозик. Бирор жойга борсангиз, уларнинг қалбига йўл топишни ўйлайсиз. У миллий қўшиқми, лириками, туркча ёки арабча қўшиқ бўладими, шоубизнесда буларнинг ҳаммаси катта эътиборда туради.

**– Шу ёшингизгача топганларингиз ва йўқотганларингиз нималар бўлди?**

– Ижоддаги қирраларимнинг ҳали кўпини очолганим йўқ. Ҳамон изланаяпман. Тополмаганларим кўп. Топганларим эса оилам, бир-биридан ширин тўрт нафар фарзандим, мухлисларим бўлди.

**– Нимадан армон қиласиз?**

– Армоним – ҳали кўнглимдагидай қўшиқни ярата олмаганим. Орзуларим бисёр. Келгусида халқнинг дилидан жой оладиган қўшиқлар яратиш умидидаман.

**– Бугунги кунда кўпчилик санъаткорлар тадбиркорликка қўл уришаяпти. Сиз ҳам ҳаракат қилиб кўрмадингизми?**

– Айни кунларда мен Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ашула ва рақс ансамблида хизмат қилмоқдаман. Қолаверса, элимизнинг яхши кунларида, тўйларида хизматда бўламиз. Тадбиркор ўртоқларимга ҳавасим келади. Эҳтимол, кейинроқ мен ҳам шундай ишлар билан шуғулланарман. Фақат ҳозир эмас.

**– Суҳбатимизни қандай сўзлар билан якунлашни истардингиз?**

– Бу дунёда барча бир-бирига ғанимат ва меҳмондир. Шунинг учун бир қўшиғимдан қуйидаги сатрларни келтириб ўтсам:

Одам бўлиб келдик
Одам бўлайлик!
Элу юрт дардига
Малҳам бўлайлик!

**Хонбиби МАҲАМОВА суҳбатлашди.**

КВН

# ФЕСТИВАЛЬ ЮМОРА ОТКРЫВАЮТ И НОВИЧКИ

В этот день большой и светлый зал Дворца культуры авиастроителей был наполнен до отказа любителями юмора. Атмосфера в зале была радостной и веселой. Около двух тысяч зрителей аплодисментами приветствовали КВНщиков. Зрители и болельщики сидели даже на ступеньках между рядами. Однако ни у кого из присутствующих не возникало чувства обиды из-за тесноты. Это легко можно было угадать по улыбкам, которые не сходили с лиц зрителей.

Свет в зале погас, и бессменный ведущий игры в Ташкенте Игорь Кучмар объявил команды–участницы фестиваля. Зазвучала песня, давно ставшая гимном веселых и находчивых, – «Мы начинаем КВН!» Слова всем известны, весь зал пел хором. Следующие слова из песни «...значит, юмор не отпустит нас...» также находили себе подтверждение: зал то и дело взрывался громом бурных аплодисментов после очередной шутки, каждая из которых сопровождалась удивительно талантливым актерским исполнением. Юмор «не отпускал» на протяжении всей двухчасовой игры.

На сцене Дворца авиастроителей выступали как команды-победительницы, так и совсем молодые коллективы. Всего 15 команд. Среди новичков можно отметить сборные Национального университета Узбекистана «Виста», Института востоковедения, Российского филиала института им. Плеханова и другие.

Ребята выступали с подготовленными номерами, стараясь завоевать как можно больше болельщиков и хорошо зарекомендовать себя перед членами жюри. Как это у них получилось, будет известно в следующих играх, где команды уже будут соревноваться друг с другом в остроумии. А пока можно сказать одно: сезон открыт! И фраза «КВН объединяет» – не пустые слова, они имеют под собой значимый смысл.

**Руфина БОГОУТДИНОВА.**

## АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

Машҳур саркардалар ҳаётидан

# ОЗОДЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛГАНДИ

Қадимги Фракия (ҳозирги Болгария)да туғилган Спартакнинг ҳаёти ҳақида тарихчилар зиддиятли маълумотларни берадилар. Баъзи манбаларга кўра у ҳарбий асир бўлиб, қулликка тушган ва Капуя гладиаторлар мактабига юборилган. Бошқа маълумотларга кўра эса Рим армиясида ёлланма хизмат қилиб у ердан қочган, асирга олингандан сўнг гладиаторликка топширилган. Спартак жисмонан кучлилиги, чаққонлиги ва жасурлиги билан ажралиб турар, жанговар қуроллардан яхши фойдаланарди. У ўз қобилияти туфайли озодликка эришиб, гладиаторлар мактабида қиличбозлик санъатидан сабоқ берди. Мактаб гладиаторлари, кейинчалик қўзғолон кўтарган қуллар орасида жуда катта обрўга эга эди.

Римда қуллар қўзғолони бошланишига ўша пайтдаги шарт-шароитлар сабаб бўлган. Италия урушлар натижасида турли этник гуруҳлар (галлар, германлар, фракияликлар, Осиё ва Сурия халқлари)га мансуб қуллар билан тўлиб кетди. Қуллар шафқатсизлик билан ишлатилганликлари учун узоқ яшамас, бу эса қулдорларни асло ташвишга солмасди. Чунки Рим армиясининг зафарли юришлари туфайли арзон ишчи кучлари узлуксиз келиб турарди.

Шаҳардаги қуллар ичида гладиаторлар алоҳида мавқега эга эди. Ҳеч бир байрам уларсиз ўтмасди. Яхши тайёрланган гладиаторлар аренага чиқарилар ва Рим фуқароларининг кўриб завқланиши учун бир-бирларини ўлдиришга мажбур бўлардилар.

Қуллар исёни 70 га яқин гладиаторнинг Капуя мактабидан қочиб, Везувий вулқони чўққисига ўрнашишидан бошланди. Милоддан аввалги 73-йилнинг бошларига келиб Спартак бошчилигидаги қочоқлар отрядлари 10 минг кишига етди. Исёнкор гладиаторлар сафи қуллар, гладиаторлар, хонавайрон бўлган деҳқонлар, Рим легионларини ташлаб ўтувчилар билан тўлиб борди. Аламзада саркарда кичик отрядларни теварак-атрофга жўнатиб, қулларни озод қилар, римликлардан қурол-аслаҳа ва емишларни тортиб оларди. Тез орада йирик шаҳарлардан ташқари Кампания вилоятидаги барча ерлар қўзғолончилар қўлига ўтди.

Спартак Рим қўшинлари устидан ҳам бир неча бор ишончли ғалабага эришди. 72-йилнинг кузида претор Публий Вариний, претор Клодий қўшинларини тор-мор қилди. Клодий қўшинлари сўқмоқ йўл устида лагер қуриб, ягона йўлни тўсиб қўйганида гладиаторлар ток новдаларидан нарвонлар ясаб, тунда тоғ чўққисидан тушдилар. Кутилмаганда ҳужумга учраган легионлар катта талафот кўрди.

Саркарданинг ажойиб ташкилотчилик қобилияти туфайли исёнкор қуллар қўшини Рим легионлари намунаси бўйича ташкил этилди, росмана армияга айлана олди. Ушбу армияда пиёдалардан ташқари отлиқ кавалерия, разведкачилар, чопарлар, бир қанча аравалар ҳам бор эди. Жангчилар интизомлилиги ва руҳий тайёргарлиги юксаклиги билан ажралиб турарди. Лагер ва сафар ҳаёти қатъий кун тартиби асосида олиб бориларди.

Қулларнинг дастлабки ғалабалари бошқа ерларда ҳам акс-садо берди. Қўзғолонлар Кампаниядан Италиянинг жанубий вилоятларига тарқалди. 72-йилнинг бошларида Спартак армияси 60 минг кишига етди.

Исёнлардан хавотирга тушган Рим Сенати тажрибали лашкарбошилар бошчилигидаги икки армияни Спартакка қарши юборди. Улар қўзғолончилар орасидаги келишмовчиликдан фойдаландилар. Яъни қулларнинг кўпчилиги, жумладан Спартак ҳам Альп тоғларидан ўтиб озодликка эришишни ва уйларига қайтишни хоҳларди. Лекин қулларга қўшилган италиялик камбағаллар буни истамасди.

Шундай қилиб Спартак армиясида бўлиниш рўй берди: Крикс бошчилигидаги 30 минглик кишилик отряд ажралиб чиқди ва натижада римликлар томонидан тор-мор қилинди. Бундай йўқотиш натижасида Спартак армияси анча заифлашди. Лекин қуллар йўлбошчиси ўзининг моҳир лашкарбоши эканлигини яна исботлади. У римликларнинг икки армияси билан алоҳида-алоҳида жанг қилиб, уларни мағлуб этди.

Энди озодликни орзу қилган қуллар Альп тоғларига жуда яқин келиб қолгандилар. Тоғдан ўтиб ўз юртларига қайтишга ҳеч ким ҳалақит қилмасди. Бироқ номаълум сабабларга кўра, исёнчилар армияси ортга қайтди ва Адриатика денгизи соҳиллари бўйлаб Аппенин ярим ороллари тарафга юрди.

Рим Сенати Марк Красс бошчилигида янги армияни спартакчиларга қарши юборди. Марк Красс армияси қуллар армиясининг орқа тарафига ўтиб ярим оролнинг энг тор жойида Италияга ўтиладиган йўлни тўсиб қўйди. Узунлиги 55 км, чуқурлиги ва кенглиги 4.5 м бўлган чоҳ қазилди. Спартак армияси очликка чидаб ўтириши ёки ўзи учун хавфли ҳужумга ўтиши лозим эди.

Спартакчилар иккинчи йўлни танладилар. Улар тунда қўққисдан ҳужум қилиб, кенг ва чуқур чоҳни дарахт шохлари, тупроқ, ўлган отлар билан тўлдирдилар ва шимол тарафга ёриб ўтдилар.

Рим Сенати Гней Помпей армиясини ва Марк Лукуллнинг йирик отрядини Марк Крассга ёрдамга юборди. Бундан хабар топган Спартак уларнинг бирлашишига йўл қўймай, битталаб мағлуб қилишга қарор қилди.

Жасур саркарда ўз армиясини Марк Красс легионларига қарши бошлади. Тўқнашув жуда шиддатли бўлди, чунки ғолиб тарафдан раҳм-шафқат кутиб бўлмаслигини иккала тараф ҳам яхши биларди. Спартак ўз қўшинининг биринчи қаторларида жанг қилиб, Марк Красс билан беллашиш учун унинг ёнига ёриб ўтишга ҳаракат қилди. Кўп сонли душманлар томонидан ўраб олинганига қарамай сиқувни мардона қайтариб турди, лекин охир-оқибат чопиб ташланди.

Исёнкорлар армияси бўлиб ташланди. Легионерлар ярадорларга ҳам шафқат қилмадилар. Лекин ғолиблар машҳур саркарданинг мурдасини жанг майдонидан топа олмадилар (Спартакнинг ўлими ва армиясининг тор-мор қилиниши қуллар исёнига барҳам бермади. Қўзғолон кўтарган қуллар отрядлари бир неча йил давомида Италиянинг кўпгина вилоятларида фаолият олиб бордилар).

Асирга олинган қўзғолончилар шафқатсиз жазоланди. 6 минг спартакчи Римдан то Капуя шаҳригача бўлган йўл бўйлаб осиб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, Спартак бошчилигидаги исён қулларнинг энг йирик қўзғолони сифатида жаҳон тарихига кирди. Бу қўзғолон Римдаги давлат ҳокимиятининг республика кўринишидан императорлик бошқарувига ўтишини тезлаштирди. Спартак асос солган ҳарбий ташкилот шунчалик кучли бўлдики, у қудратли Рим армиясига узоқ вақт муваффақиятли равишда қарши тура олди.

**Подполковник**
**Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ.**

Ўзбек киноси

# «ШАББОНА»



Ушбу картинада гўзал муҳаббат туйғуси ўзига хос тарзда талқин қилинади. Экранда фильмни кўраркансиз, табиийликдан йироқ бўлмаган фильм сюжетлари сизни беихтиёр ўзига жалб қилади. Бу эса кино актёрлари ўз вазифаларини маҳорат билан ижро этганлигидан далолатдир.

«Шаббона» фильмида анча пайтдан бери томошабинларга кўринмай қолган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғайбулла Ҳожиев ҳам роль ижро этган. Хасталик сабаб тўрт йил санъатдан узоқлашган актёр ушбу картина орқали яна ўзининг севимли соҳасига қайтди.

Фильмда Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева умуман ўзга қиёфада намоён бўлади. Чунки мухлислар ўзининг севимли актрисасини шу пайтгача на театр саҳнасида, на бир кинода бундай қиёфада кўрмаганди. Лўли она образи Яйра опанинг ўзи учун ҳам бир янгилик бўлган бўлса, ажабмас.

– Ушбу ролга таклиф қилишганда кўпчилик ҳамкасбларим сиз лўлига ўхшамайсиз, қандай бўларкан, дея ажабланишди, – дейди биз билан суҳбатда актриса. – Лекин биз артистмиз. «Мен бу қаҳрамонга ўхшамайман», деб четкада турсак бўлмайди. Аксинча қаҳрамонга ўхшашга, унинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилишимиз керак.

«Шаббона» фильми лўлилар ҳаёти, уларнинг урф-одати ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи иккинчи фильмдир. Агар эсингизда бўлса, бундан бир-икки йил илгари «Музаффар фильм» студияси худди шу мавзудаги «Маржона» картинасини суратга олганди. Биринчи фильм ёш ижодкор Фаррух Соиповдек истеъдодни кашф қилган бўлса, бу гал ҳам премьера кашфиётларсиз бўлмайди. Режиссёр Саид Мухторов ички туйғу билан гўзал қизлар орасидан танлаб олган Жамила Ғофурова Шаббона қиёфасида киноихлосмандларининг муҳаббатини қозонди.

Ушбу картинада яна бир ёш актёр ўз дебютини ижро этди. У умидли ижодкор Баҳодир Мусаевдир. Ёш ижодкор ижро этган образ салбий қаҳрамон бўлиб, актёр талқини анча профессионаллик билан ёндашилган. Томошабинларда салбий қиёфа сифатида намоён бўлган фильм қаҳрамонининг ҳам аслида ўз ҳақиқати мавжуд.

– Кинодаги илк қадамим бўлганлиги боис ҳам бу ролни ижро этиш мен учун ниҳоятда қийин кечди, – дейди Баҳодир. – Лекин Саид аканинг кўмаги билан ўз вазифамни қайсидир маънода уддаладим, деб ўйлайман.

Бахтиёр ролининг ижрочиси Улуғбек Қодировни бугун ҳақли равишда ўзбек киносининг умидли юлдузи сифатида эътироф этсак, янглишмаймиз. Шуни таъкидлаш керакки, унга киномутахассислар Ўлмас Алихўжаев, Рустам Саъдуллаев, Беҳзод Муҳаммадкаримовлар каби кино экранининг муносиб давомчиси сифатида қарашади. Улуғбек ҳозирча қайсидир маънода ўз ижоди билан ушбу ишончни оқлаб келмоқда.

– Фильм сценарийсини ўқиганимда Бахтиёр образи жуда ёқиб қолди, – дейди Улуғбек. – Тўғриси, аввалги фильмлардаги сингари ушбу картинада камера олди ҳаяжонини у қадар ҳис қилмадим. Ўз ролимни завқ билан ижро этдим.

Биз деярли ҳар куни лўлиларни кўрамизу, лекин уларнинг ҳаёти ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Режиссёрнинг маҳорати, мавзунинг ўзига хослиги туфайли биз ушбу халқнинг урф-одати ва турмуш тарзидан хабардор бўламиз. Уларнинг қувончу қайғусига гувоҳ бўламиз. Тўғри ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одати, менталитети мавжуд. Лекин муҳаббат дея аталмиш илоҳий туйғу чегара ва чекланиш билмайди. «Шаббона» фильми ана шундай оташин муҳаббатнинг тантанасини акс эттиради. Гарчи бу ғалаба қурбонлик эвазига келган бўлса-да, буни ҳаёт дейдилар. Ҳаёт, бу – тақдир. Тақдирдан эса қочиб қутулиб бўлмайди.

**Карина ҚУРБОНОВА.**

# СЕҲРЛИ ЁҒДУ

«Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши биносида «Келажак тараққиёти болалар қўлида» шиори остида «Сеҳрли ёғду» республика кино-фото кўрик-танлови ўтказилди. Мазкур танловда республикамизнинг барча ҳудудларидан 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар қатнашди. Улар ён-атрофидаги табиатда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, шунингдек, дўстлари ва яқинлари орасидаги қизиқарли онларни тасмаларга муҳрлаб, уларга бор меҳрларини беришга уринишган. Албатта, бу фильмлар ва фотосуратларнинг ҳаммасини ҳам фестиваль шартларига жавоб беради деб бўлмайди. Аммо ижод намуналарининг барчаси қалб қўри билан ишланганлиги ва уларда дунёга болаларча беғубор нигоҳ билан қараш борлиги сезилиб туради.

Фестивалнинг кино иши йўналиши билан қатнашган энг ёш иштирокчи Беҳруз Искандаров ўзининг «Ҳунармандлар шаҳри» фильми учун учинчи ўринни қўлга киритди.

– Мен ўз ижодий ишимда кўҳна Бухорои Шарифнинг ҳунармандчилигини кўрсатишга ҳаракат қилдим, – дейди 11 яшар Беҳруз. – Келажакда кинооператор бўлишни ўз олдимга мақсад қилганман.

Республика бўйича 2000 дан ортиқ ўқувчилар иштирок этган ушбу фестивалда кино ва фото йўналишлари бўйича соврини ўринлар соҳиблари аниқланди. Олий ўрин бўлмиш Гран Прини кино йўналиши бўйича иштирок этган тошкентлик Севара Абдусаламова «Бахтли болалик» фильми учун қўлга киритган бўлса, фото йўналишида бухоролик Беҳруз Эргашев «Спорт ва мактаб» мавзуидаги лавҳаси билан муносиб кўрилди.

Фестивалда шунингдек, «Энг яхши сценарий», «Энг яхши режиссёр», «Энг яхши тасвирчи» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бир сўз билан айтганда, икки кун давом этган фестиваль ёшлар учун ҳақиқий санъат байрамига айланганини шубҳасиз.

**Комилжон ҲАСАНОВ.**

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Алижон Итолмасович САФАРОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № G-3557. Адади 25060.